



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 14 март, № 52 (8947)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон — Франция:

ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макроннинг таклифига биноан 11 — 13 март кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.



Давлатимиз раҳбари 13 март кuni Париж шаҳридаги Бурбон саройида Франция Миллий мажлиси Раиси Яэль Браун-Пиве билан учрашув ўтказди.

Икки давлат ўртасидаги парламентлараро алмашинуви янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Ушбу ташрифнинг тарихий аҳамияти, Ўзбекистон ва Франция ўртаси-

да стратегик шериклик муносабатлари ўрнатилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Франция парламенти қўйи палатаси раҳбари янги Ўзбекистонда амал-

га оширилаётган демократик ўзгаришларни, вакиллик органларининг роли, хотин-қизлар, болалар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари ҳамда экологик хавфсизлик кафолатлари кучайганини юқори баҳолади.

Ўзбекистон — Франция парламентлараро форумини ташкил этиш ва “Йўл харитаси” асосида дўстлик гуруҳлари ишини қайта тиклаш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон етакчиси Миллий мажлис Раисини жорий йил апрель ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-йубилей ассамблеясида иштирок этиш учун мамлакатимизга таклиф этди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фахрий меҳмонлар китобида қайд ёзиб қолдирди.

Францияга давлат ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Париж шаҳри мэри Анн Идальго билан учрашди.

Сухбат аввалида давлатимиз раҳбари пойтахт мэрини ёзги Олимпия ва Паралимпия ўйинлари муваффақиятли ўтказилгани билан самимий қутлади, шунингдек, Париж қўчаларидан бирига Самарқанд номи берилгани учун миннатдорлик билдирди.

Ўз навбатида, Анн Идальго Ўзбекистон раҳбарига олимпиада тadbирлари даврида жамоат хавфсизлигини таъминлашда кўрсатилган ёрдам учун ташаккур билдирди.

Учрашувда Ўзбекистон Президентининг ушбу ташрифи тарихий натижалар билан яқунлангани — икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар стратегик шериклик даражасига кўтарилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Тошкент ва Париж ўртасидаги амалий ҳамкорлик ва алмашинувларни имзоланган битим асосида фаоллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Шаҳарсозликни режалаштириш, “яшил” ҳудудлар барпо этиш, жамоат транспортини ривожлантириш, рақамлаштириш, шунингдек, шаҳар коммуникацияларини модернизация қилиш ва улардан барқарор фойдаланиш борасида тажриба алмашиш шулар жумласидан.

Бундан ташқари, ўзаро кўргазмалар, маданият ва санъат кунлари, сайёҳлик ва гастрономик фестиваллар ўтказиш масалалари кўриб чиқилди.

Учрашув якунида Париж қўчаларидан бирига Самарқанд номи берилишига бағишланган расмий маросим бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари ва Париж мэри Ўзбекистон Президенти фахрий меҳмон сифатида Париж шаҳрида бўлгани тўғрисида қўшма ҳужжатни имзоладилар. Ушбу эсdalик ёрлиги мэрия музейида намоиш этилади.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Франция Республикасидаги тарихий давлат ташрифининг тadbирларига бой дастури якунига етди.

Давлатимиз раҳбари Париж шаҳ-

рида Франция Президенти Эммануэль Макрон билан самарали музокаралар ўтказди.

Саммит якунида Стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисида қўшма декларация, шунингдек, ҳамкорликнинг турли йўналишлари бўйича битимларнинг салмоқли тўплами қабул қилинди.

Президентимиз Франциянинг етакчи компания, банк ва ташкилотлари раҳбарлари билан давра суҳбатида иштирок этди. Умумий қиймати 6,5 миллиард евро бўлган аниқ кооперация лойиҳаларини амалга оширишни назарда тутувчи Инвестиция ва инновация соҳаларида ҳамкорлик дастури қабул қилинди.

Икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳисаси учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Франция Республикасининг олий мукофоти — Фахрий легион ордени билан тақдирланди.

ЮНЕСКО бош директори Одри Азуле билан музокараларда ҳамкорликни янада ривожлантириш истикболлари ҳамда ташкилот Бош конференциясининг Самарқанд шаҳридаги 43-сессиясига тайёргарлик кўриш масалалари муҳокама қилинди.

Ташриф тadbирлари яқунлангач, “Орли” халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Франция спорт ва ёшлар вазири Мари Барсак ва бошқа расмий шахслар кузатиб қўйди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

КУТИБ ОЛ, ДУНЁ...

Шарль де Голль, Уинстон Черчилль, Франклин Рузвельт, Елизавета II, Ли Куан Ю...

Энди эса ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ!

Мендан Шавкат Мирзиёевнинг бугунгача эл-юртимиз олдидаги энг буюк хизмати нимадан иборат, деб сўрасанг, ҳеч иккиланмай, Ўзбекистон ва халқимиз шаънини, обрўсини қайта жойига қўйганида, деб айта оламан. Зотан, кечагача миллатимизнинг ҳам, мамлакатимизнинг ҳам қиммати қандай бўлганини биз жуда яхши биламиз.

Ифтихор

Ўзбекистон десанг, Покистон, Афғонистон ва яна бошқа ...истонлар номини тилга олиб, бевосита ёки жўрттага талмовсираб турадиган хоржиқлар муносабатини кўп кўрар ва бу бизнинг шаънимизни камситарди. Тил, миллий тилимизнинг ахволи ҳақида-ку, умуман гапириб ўтирмаса ҳам бўларди. “Биз мустақил бўлдик”, “Эркинликни қўлга киритдик”, деб дўппимизни осмонга иргатган, шоирлар тилида айтганда, истиқлолнинг ўтган чорак асрлик даврида ҳам мадани жихатдан тўлиқ мустақил бўлдик, деб айта олмаймиз. Масалан, миллий коднинг энг асосий унсури бўлган тил бора-сидаги сиёсатимиз эски замонларникидан кўп фарқ қилган эмас.

Тўғри, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди, амалда эса унинг мақоми ва функцияси худди мустақиллик замонларидагидек, ифодали қилиб айтганда, рўзгор тили даражасида қолиб кетаверди. Уша ижодкорларимиз романтизмга берилган замонларда Давлат тили, деб эътироф этиладиган ўзбек тили на илм-фан, на-да сиёсат тилига айланди. Ҳатто, бу тилни жиддий масалалар мунозарасида

ишлатиб бўлмайди, дегандай четроққа суриб қўйиб, халқаро муносабатларда ҳам, расмий доираларда ҳам аънавий, “миллатлараро восита” лисонидан кенг фойдаланишга устунлик берилди...

Майли, ўтган кунлардан маломат қилиш бизнинг вазифамизга кирмайди. Айтаётган мулоҳазаларимиздан эса мудиоа ўзга. Яъни ҳар ненди сифати зидди орқали маълум бўлади. Қолаверса, буюк ёзувчимиз айтганидек, тарихга қараб иш тутиш хайрлидир. Шу маънода, гапирадиган бўлсак, бугунги Ўзбекистон, халқимиз туриштирумуши, мамлакатнинг халқаро нуфузини кеча яшаган кунларимиз ёрқинроқ кўрсатади, бизга.

Бир ўйлаб кўринг, кечагина миллий тил масаласини кўтарган зиёли ким, деб аталарди? Катта эҳтимол билан миллатчи ёки камид жамиятда айирмачилик кўзговчи бўлмакор. Ва энг оғриқли томони, колониал мафкура томонидан ўйлаб топилган ушбу тамга кўпчиликни ажаблантирмас, одамлар бунга ўрганиб ҳам кетганди.

Хўш, айна маданий стереотипларни синдириш учун қанча вақт ва журъат керак бўлади, деб ўйлайсиз. Тўғри, кўпчилигимизнинг “Биз ҳали бундай сиёсий-маданий ислохотларга тайёр

эмасмиз”, “Давлат тили, яъни миллий тилга эътиборни кўтарсак, жамиятда носоғлом муҳит пайдо бўлиши мумкин. Бу даражага етиш учун ҳали анча қовун пишиги бор”, деганга ўхшаш сиёсий уйдирмаларни эшитавериб, куллогимиз қотиб қолган. Аммо масала

Франция Президенти Эммануэль Макрон ўз нутқини ўзбекча лутф билан тугатди:

«Яшасин Ўзбекистон, яшасин Франция! Яшасин Франция — Ўзбекистон дўстлиги!».

мутлақо бундай чигал эмас экан. Узоқ йиллар камситилган, нечаничидир даражаларга тушириб кўрсатилган тилимизнинг мақоми-ни кўтариш учун фақат сиёсий лидер юраги шу халққа, Ватанга бўлган кучли муҳаббат билан уриб турса етарли экан.

Барчамиз яхши эслаймизки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев замонавий Ўзбекистон тарихида илк бор 2020 йили БМТ минбаридан туриб ўзбек тилида нутқ қилди. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари бу масалада халқаро протокол тартиб-қоидаларини “бузиш”га ҳам ўзида журъат топа олди. Масалан, Президентимиз 2021 йилда Венгрия Бош вазири

Виктор Орбан билан ўтказган расмий учрашувда аънавий қонунқоидани чеклаб, ўзбек тилида музокаралар олиб борди.

Бемалол “тарихий” деб айтиш мумкин бўлган айна маданий ислохот мақомидаги қадамлар ўзбек тилининг обрўсини юксакларга кўтарди. Буюк аждодларимиз гаплашган бу буюк тил баъзилар ўқтирганидек, асло рўзгор ёки чўмал сериаллар тили эмас, балки халқаро минбарларда, давраларда жаранглашга қодир, қудратли, ўлмас ва шу билан бирга, “сиёсат тили” даражасига мутлақо муносиб эканини кўрсатди.

Мен сўзим аввалида бекорга миллатимиз Лидерининг ўз халқи, Ватани олдидаги энг буюк хизма-

Ҳаммамиз кузатдик, ўқидик, кеча ижтимоий тармоқлар ҳам, миллий ОАВ ҳам бир-биридан қувончи хабарлар ва мулоҳазалар билан тўйингандай бўлди. Елисей саройида Президентимизни қабул қилган Франция Президенти Эммануэль Макрон ўз нутқини ўзбекча лутф билан тугатди: “Яшасин Ўзбекистон, яшасин Франция! Яшасин Франция — Ўзбекистон дўстлиги!”. Ва унинг айна мана шу калом ижтимоий тармоқларнинг ўзбек сегментида “портлаш” эффектини юзга келтирди, десам, нотўғри гапирмаган бўламан.

Оддий қўпюдан тортиб, ака-демиқкача, олис тоғ, чўл овуллари ёки дунёнинг нариги бурчагида яшаётган қай бир ватандошимиз борки, барчасини бу ҳодиса мутаассир қилди. Миллионлаб юртдошларимиз ушбу лавҳа ва Макроннинг ижтимоий тармоқлардаги ўз сўзларидан улашган ўзбек тилидаги айна “пости”ни ифтихор рамзи сифатида бир-бирларига улашишди.

Энди ўйланг, юқориде айтганимиздек, кечагина бозор-ўйтар, бола-чақа билан муносабат қилишдагина ишлатиладиган тил, деб кўрсатиладиган, ўқтириладиган ОНА ТИЛИМИЗга нафақат Европа, балки жаҳоннинг энг қудратли давлатларидан бирининг раҳбари ҳурмат кўрсатса, шу тилда тилак билдирса, бу ҳодисани миллий тарихимиздаги улкан эврилиш, демай яна нима дейиш мумкин?!

Ахир Ўзбекистон бундан олдин ҳам бор эди, илгарилари ҳам дунё давлатлари билан дипломатик алоқаларимиз йўқ эди, деёлмаймиз... Аммо бугун жаҳоннинг бизга бўлган қарашини ҳам, муомаласини ҳам ўзгарди. Бу муносабатлар ўз-ўзидан бўлади, деб ўйлайсизми? Ёки ўзбекчилик, дегандай тўртта патир, новвоту қанд-курс билан эришилади, деб хаёл қиласизми бундай мартабага?!



Учрашув ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоиловнинг Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Давлат думаси Раиси Вячеслав Володин бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқот аввалида меҳмонларга янги тахрирдаги Конституция ва “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, Қонунчилик палатасининг таркибий тўзилиши, унинг қонун ижодкорлиги йўналишидаги фаолияти, палата қўмиталари, комиссияларининг асосий вазифалари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Ўз навбатида, В. Володин самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг кейинги йилларда тобора кенгайиши ва мустаҳкамланиши, турли соҳалардаги серқирра ҳамкорликнинг ривожланишида кузатилаётган барқарор ижобий тенденцияни мамнуният билан таъкидлади.

Шунингдек, ўзаро муносабатлар жадал ривожланаётгани, Ўзбекистон ҳамда Россия ўртасидаги ҳамкорлик янги форматга эга бўлгани, барча йўналишда алоқалар фаоллашиб, кўп томонлама мулоқотлар мустаҳкамланиб бораётгани эътироф этилди.

Меҳмон Ўзбекистонда турли соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни юқори баҳолаб, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган минтақавий алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган конструктив ва очиқ ташқи сиёсат таҳсинга сазоворлигини билдирди.

Икки томонлама алоқаларни ривожлантиришда муҳим омил бўлган парламентлараро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш ҳар томонлама фойдали эканлиги қайд этилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси билан Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Давлат думасининг ҳамкорлиги бўйича парламентлараро комиссияси фаолиятини тақомиллаштириш зарурилиги таъкидланди.

Мулоқот давомида парламентлараро форумлар, партиялар ва фракциялараро мулоқотлар ўтказиш бўйича фикрлар алмашилиб, ҳамкорликни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари белгилаб олинди.

Учрашув конструктив руҳда ўтди.

«Халқ сўзи».

КУТИБ ОЛ, ДУНЁ...

Мен шундай тушунамани, барчамизнинг кўнгилларимизни ёритган, гурुरимизни кўтарган бу маданий ҳодисалар Президентимиз иш бошлаган илк кунлариданоқ қалбига туққан улуг ғоя — миллатнинг қадрини жойига қўйиш, унинг қимлигини дунёга кўрсатишдек қатъий олинган қарорнинг давомидир. Аслида барчамизнинг қалбларимизда ифтихор туйғулантирган бу воқеаларни бемалол сиёсий ирода ғалабаси, десак ҳам тўғри бўлади. Зотан, ЕИДаги ягона атом қудратига, бундан ташқари, инсоният тамаддунидagi ўз салтанатчилиқ (империя) тарихига эга мамлакат Ўзбекистон билан сиёсий мулозаматларсиз муносабатни йўлга қўйди, десак, масала ойдинлашган бўлар эди.

Тарихга назар ташласак, Ватанимиз билан ушбу давлат ўртасидаги дипломатик алоқалар кўп қадим замонлар илгари йўлга қўйилганини кўришимиз мумкин. Манбалар шунини кўрсатадики, буюк бобомиз соҳибқирон Амир Темури ўз вақтида Франция кироли Карл VI билан ёзишмалар қилган, расмий алоқа ўрнатган. Албатта, тарихимизнинг ўша шонли даврлари Ватанимиз қудратига берилган баҳо ҳозир ҳам киши кўнглини масрур қилади. Аммо у ўтмиш. Лекин ҳақиқат шундаки, нафақат Франция, балки у жойлашган бутун бошли “Кўхна қитъа” Темури давлатини ўша замон қудрати (держава), ўзини эса Европа халоскори, деб билишади. Хурсанд бўладиган жиҳат эса бунда: давлатчилигимиз,

халқимиз закоси, миллий маданиятимиз дунёнинг олди давлатлари томонидан худди Темури замонларидagидек бугун яна тан олинмоқда.

Бундай дейишимга, албатта, етарли асосларим бор. Биринчидан, ташриф давомида икки томонни ҳам тўлиқ қаноатлантирадиган, манфаатларига мос тушадиган кўплаб ҳужжатлар, жумладан, улар орасида энг муҳимларидан бири бўлган икки давлат ўртасида стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация қабул қилинди. Айни ҳужжат қандай кучга эга эканини сиёсатга унча яқин бўлмаган одам ҳам яхши тушунади.

Иккинчидан, ташрифнинг биз учун энг қувончли бўлган воқеаси, ўша машҳур Елисей саройида Макрон томонидан Президентимизнинг Франциянинг энг олий давлат мукофоти — Фахрий легион ордени (fr. Légion d'honneur) билан мукофотлангани бўлди. 1802 йил 19 майда император Наполеон Бонапарт томонидан таъсис этилган ва аини мукофот бугунгача нафақат Франция, балки дунёдаги энг нуфузли мукофотлардан бири бўлиб қолмоқда. Албатта, унинг обрўси, мартабасини уни олган тарихий шахслар, сиёсатчилар, маданият ва санъат арбоблари ҳам белгилайди.

Ўз вақтида Франция Президенти Шарль де Голль, Буюк Британия Бош вазири Уинстон Черчилль, микробиология асосчиси машҳур олим Луи Пастер, француз актрёри Жан-Поль Бельмондо, ёзувчи, “Уч мушкетёр” асари муаллифи Александр

Дюма, биринчи фазогир Юрий Гагарин, Жанубий Африка Республикаси Президенти Нельсон Мандела, АҚШ Президенти Франклин Рузвельт, Буюк Британия кироличаси Елизавета II, Сингапур Бош вазири Ли Куан Ю...

Қисқасига ушбу рўйхатга жиддий назар солсангиз, сафда бирорта тасодифий шахсни кўрмайсиз. Барчаси дунё сиёсати, маданияти, бир сўз билан айтганда, инсоният тамаддунига таъсир қилган лидерлар, инсонлар... Сиз ушбу юксак мукофотни ўзбекнинг чироили қошу кўзига қараб берди, деб ўйлайсизми? Бу мартабага эришиш, юқоридagi жаҳон халқлари тан олган нуфузли рўйхатдан жой олиш учун жуда улкан меҳнат керак бўлади, азиз ўқувчи.

Ушбу мукофот Президентимизнинг нафақат мамлакатимиз, балки минтақамизда амалга ошираётган тарихий ўзгаришлар жараёни ижодкори сифатидаги иродали сиёсати натижаси, десак, ҳақиқатни айтган бўламиз. Хусусан, шахсан Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси туфайли бугунги кунга келиб Марказий Осиё ягона геосиёсий субъект сифатида эътироф этила бошланганини жуда кўп сиёсатчилар, таҳлилчилар ҳақли маънода эътироф этишмоқда.

Юксак мукофот муборак бўлсин, мухтарам Президент!
Юксак мукофот муборак бўлсин, азиз ватандошлар!

Қудратилла РАФИҚОВ,
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси раиси,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Акс садо

ИНВЕСТИЦИЯВИЙ МУҲИТ ЯНАДА ЯХШИЛАНАДИ

Кейинги йилларда давлатимиз раҳбари бошчилигида Европа Иттифоқининг етакчи мамлакатлари билан кўп қиррали, ўзаро фойдали ва прагматик муносабатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Улар орасида Франция алоҳида ўрин тутadi.

Ҳозирги кунда икки давлат ўртасида айниқса, сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий, илмий-гуманитар соҳаларда кенг ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, бундан иккала давлат ҳам ўзаро манфаатдор.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макроннинг тақлифига биноан ушбу мамлакатга ташрифи икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик соҳасида туб бурилиш ясади, десак, айни ҳақиқат.

Халқро майдонда тобора юксак сиёсий маъқега эга бўлиб бораётган Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни янада мустақамлаш мамлакатимизнинг Европа Иттифоқи билан муносабатларини шакллантиришда ҳам муҳим роль ўйнайди. Зеро, кейинги йилларда қитъаннинг етакчи давлатларидан саналган Франция билан муносабатларимиз барча йўналишда жадал ривожланиб бораётир.

Бунинг натижасида ўтган йилда товар айирбошлаш ҳажми илк бор 1 миллиард евродан ошди, қўшма корхоналар сони 4 баробар кўпайди.

Давлатимиз раҳбари узоқ муддатли кооперация алоқаларини йўлга қўйишга кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон — Франция инвестиция кенгашини таъсис этиш ва унинг биринчи ййгилишини жорий йил июнь ойида Тошкент инвестиция форуми доирасида ўтказишни таклиф этди. Бу эса мамлакатимизда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, иқтисодиётнинг устувор тармоқлари ва бошқа муҳим соҳаларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш, илғор халқро тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда сифатли инвестиция жараёнларини ташкил этишга хизмат қилади. Айни пайтда инвестиция ва халқро ташкилотларнинг маблағларини жалб этиш мамлакатнинг иқтисодий ўсишини таъминлайди, аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги глобаллашган дунёда ҳеч қайси давлат яққа ҳолда ривожлана олмайди. Фақатгина ўзаро манфаатли ҳамкорлик, ўзаро ишонч мамлакатлар тараққиётига хизмат қилувчи ягона йўл, десак, айни ҳақиқат.

Шухрат АСЛАНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт
масалалари
қўмитаси аъзоси.

ИШОНЧЛИ ВА МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 — 13 март кунлари давлат ташрифи билан Франция Республикасида бўлди. Икки давлат етакчилари олиб борган музокараларда савдо-иқтисодий, инвестиция-молиявий соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорлики кенгайтириш, Франциянинг етакчи компания ва корхоналари билан кооперация лойиҳаларини илгари суришга устувор аҳамият қаратилди.

Геология, энергетика, инфратузилмани ривожлантириш, транспорт ва бошқа тармоқларда Франциянинг етакчи компаниялари билан Ўзбекистонда 6,5 миллиард евролик истиқболли кооперация лойиҳаларини амалга оширишни назарда тутувчи Инвестиция ва инновация соҳаларидаги ҳамкорлик дастури ва Ўзбекистон — Франция инвестиция кенгашини таъсис этиш бўйича келишиб олинди.

Энг муҳими, Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация қабул қилинди. У жуда катта натижа сифатида баҳоланиши керак. Бу Ўзбекистон ва Франция муносабатлари янада юқори даражага чиқётгани, давлатлар орасида ўзаро ишонч муносабатлари ўрнатилаётгани ҳамда улар алоҳида халқро масалалар бўйича тизимли ишланишдан далолат беради.

Франция томонидан Ўзбекистонга жуда катта эътироф кўрсатилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу ташрифнинг ташкилий, протокол жиҳатларида ўз ифодасини топиб, ўз тилини жуда ҳурмат қиладиган Франция Президенти Эммануэль Макрон давлатимиз раҳбарига ўзбек тилида мурожаат қилиши ва унинг “Яшасин Ўзбекистон, яшасин Франция! Яшасин Франция — Ўзбекистон дўстлиги!”, дея қабул маросимида қилган чиқиси юртдошларимиз орасида Ўзбекистонга, Президентимизга бўлган Франциянинг юксак муносабати, деб баҳоланаяпти.

Айниқса, Президентимизга Франциянинг олий мукофоти — Фахрий легион ордени Франция Президенти томонидан топширилгани давлатимиз раҳбарининг икки давлат ҳамкорлигини ривожлантириш ва Ўзбекистон Президентининг олиб бораётган очик, прагматик ҳамда халқ манфаатларини устувор қилган таққи сиёсатига, халқро майдондаги ташаббусларига ушбу мамлакат раҳбариятининг юқори баҳоси сифатида билишимиз керак.

Бу эътироф Ўзбекистон томонидан амалга оширилаётган ислохотларнинг катта ютуғидир. Сабаби, Франциянинг ялли ички маҳсулоти 3 триллион АҚШ долларида оптики ташкил қилиб, у ушбу иқтисодий кўрсаткич

бўйича дунёда еттинчи ўринда турадиган қудратли давлат. Шунингдек, Европада ягона ядровий мамлакат ва БМТ Фансизлик Кенгашининг доимий беш аъзосидан бири бўлиб, Европа Иттифоқи ва халқро майдонда муҳим роль ўйнайди, халқро сиёсий кун тартибини шакллантиришда асосий давлатлардан бири ҳисобланади.

Жаҳон банки ва БМТ маълумотларига кўра, Франция дунёдаги энг катта тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этувчи ва экспорт қилувчи давлатлардан бири. Ташқи савдода унинг асосий ҳамкорлари Германия, Италия, Испания, АҚШ, Буюк Британия, Хитой каби йирик давлатлардир.

Франция инвестиция киритиш бўйича жаҳонда етакчи ўринда туради. Унинг компаниялари юқори технологиялар, саноат ва инфратузилма соҳаларига катта эътибор қаратади. Автомобилсозлик, аэрокосмик саноат, кимё, фармацевтика ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида ҳам етакчи давлатлардан бири саналади.

Шунингдек, ушбу мамлакат дунёдаги энг нуфузли таълим тизимларидан бирига эга. Унинг университетлари халқро ҳамкорликка катта эътибор қаратади ва чет эллик талабалар учун кенг имкониятлар яратлади. Францияда 2023 йилда 370 минг нафардан оптик чет эллик талабалар тахсил олган, бу эса мамлакатни Европа Иттифоқидаги энг машҳур таълим марказларидан бирига айлантирмоқда.

Дунёдаги энг кўп сайёҳ ташриф буюрадиган давлатлардан бири ҳам Франция ҳисобланади. 2024 йилда бу ерга 100 миллиондан зиёд сайёҳлар ташриф буюргани уни глобал туризм марказига айлантирмоқда.

Франция қувват олиш учун қайта тикланувчи энергия манбаларини фаол ривожлантирмоқда ва уларни халқро даражада тақдим этишга тайёр.

Мамлакат дунёдаги энг самарали соғлиқни сақлаш тизимларидан бирига ҳам эга. Тиббиёт соҳаси давлат ва хусусий сектор ўртасида яхши мувозанатлаштирилган бўлиб, “Sanofi”, “Servier”, ва “Ipser” каби фармацевтика компаниялари инновацион дори-

жумладан, минтақамиздаги бугунги жараёнлар ҳақида мунозара қиладиган сиёсатчио аналитиклар интеграцион жараёнларнинг самардорлиги интеграция субъектларини ўз атрофида жипслаштира оладиган салоҳиятга эга давлатларнинг мавжудлиги билан боғлиқ, дея эътироф этишади. Ва айни вазифани уदдалашга қодир бўлган минтақа давлати сифатида Ўзбекистон номини келтиришади. Жуда қисқасига ушбу таъриф ҳам Президентимизга дунёда юксак обрўга эга бўлган ушбу мукофот қандай хизматлари учун берилганини асослашга етади, менимча.

Бугун мени ёзишга ундаган нарсаси қалбимни ёндирган фахрий ифтихор туйғуларни бўлди. Ҳа, бугун мени, сизни, барчамизни қувонишга, бир-биримизни қутлашга қутлуг бир сабаб бор. Бу, мухтарам Президентимизнинг Европа марказида туриб, давлатимиз, миллатимиз шаънини юксакларга кўтаргани бўлди. Шундай улуг эътироф, мартаба барчамизга муборак бўлсин!

Фурсатдан фойдаланиб, Президентимизни, қолаверса, бутун халқимизни ўз сафларида етти миллион ватандошимизни бирлаштирган қасаба уюшмалари аъзолари номидан қизгин қутламоқчиман:

Қудратилла РАФИҚОВ,
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси раиси,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ИККИ МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИГА ИЖОБИЙ ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ ТАШРИФ

Хорижий эксперт доиралари вакиллари олий даражадаги Ўзбекистон — Франция саммити якунлари ҳақида

13 март куни Президент Шавкат Мирзиёевнинг Францияга уч кунлик давлат ташрифи якунланди.

Елисей саройида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Франция Президенти Эммануэль Макроннинг музокаралари бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари кўп қиррали Ўзбекистон — Франция муносабатларини янада ривожлантириш ва мустақамлаш масалаларини юзма-юз ҳамда делегациялар иштирокида атрофлича муҳокама қилдилар.

Савдо-иқтисодий ва инвестиция-молиявий соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорлики кенгайтириш, Франциянинг етакчи компания ва корхоналари билан кооперация лойиҳаларини илгари суришга устувор аҳамият қаратилди. Узоқ муддатли кооперация алоқаларини йўлга қўйишга кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон — Франция инвестиция кенгашини таъсис қилиш ва унинг биринчи ййгилишини жорий йил июнь ойида Тошкент инвестиция форуми доирасида ўтказиш таклиф этилди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон ва Франция етакчилари Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларацияни қабул қилди.

Ташрифнинг энг муҳим нуқтаси Ўзбекистон Президентининг икки мамлакат ҳамкорлигини ривожлантириш, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ўзаро англашувни мустақамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун Франциянинг олий мукофоти — Фахрий легион ордени билан тақдирлангани бўлди.

Хорижий экспертлар Парижда бўлиб ўтган олий даражадаги Ўзбекистон — Франция музокаралари натижаларини, хусусан, узоқ муддатли истиқболда икки томонлама муносабатларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланган ҳамкорлиқнинг аниқ мақсадларини тарихий, дея баҳоламоқда.

Эътироф

Каспер ОХМАН,
«Kierunek Kawkaz» ахборот-таҳлил портали асосчиси (Польша):



— Ушбу ташриф Шавкат Мирзиёев 2016 йил декабрь ойида Ўзбекистон Президенти лавозимига киришганидан сўнг амалга ошира бошлаган халқро ҳамкорлики чўқурлаштириш ва оптик сиёсатига мос келадиган лойиҳаларни амалга ошириш мақсадидаги халқро муносабатларни мустақамлаш йўлидаги муҳим қадамдир.

Ташриф доирасида Франциянинг етакчи компаниялари билан Ўзбекистон иқтисодиёти ривожига салмоқли ҳисса қўиши мумкин бўлган қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди. Бундай юксак даражадаги музокаралар Ўзбекистон раҳбариятининг халқро майдонда очик мулоқот ва ўзаро манфаатли шериклик муносабатларига интилишини намоён этади.

Умуман, мамлакатнинг ташқи сиёсий фаолияти амалга оширилаётган ички ўзгаришлар билан биргаликда инвестицияларни жалб этиш, тадбиркорлиқни ривожлантириш ва мамлакатимиз иқтисодиёти салоҳиятини мустақамлашга қаратилган модернизация стратегиясини муваффақиятли амалга оширишга хизмат қилмоқда.

Антонио БУСКАРДИНИ,
«Travel Tomogrow» компанияси бош директори ва асосчиси (Бельгия):



— 10 март куни Париж шаҳрида бўлиб ўтган ва мамлакатлар ўртасидаги туризм алоқаларини мустақамлашда муҳим воқеага айланган Ўзбекистон — Франция туризм форумида иштирок этиганимдан мамнунман.

Сўнгги йилларда Франциянинг энг йирик телевизион тармоғи — “TV5Monde” учун олти та ҳужжатли фильм сурагга олиш орқали Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги алоқаларни мустақамлашга ҳисса қўшганимдан фахрланаман. Ушбу ҳужжатли фильмлар Ўзбекистонни француз тилида сузлашадиганлар ўртасида танитишда муҳим роль ўйнади.

Ўзбекистон 2024 йилда рекорд даражада — 10 миллион халқро сайёҳни қабул қилди ва бу мамлакатнинг жаҳон сайёҳлиқ йўналиши сифатидаги жозибадорлигини намоёйиш этди. Бундан ташқари, Ўзбекистон туризмини ривожлантиришдан ташқари, меҳмонхона сектори, инфратузилма ва барқарор сайёҳлик лойиҳаларини амалга ошириш учун Франция инвестициясини фаол равишда жалб қилаяпти. Франция бизнеси ва сайёҳлик компаниялари билан алоқаларни мустақамлаш юқори сифатли туризм хизматларини кенгайтириш ҳамда бошқа мамлакатлардан ҳам сайёҳларнинг янги тўлқинини жалб этишда асосий омил бўлаёттир.

Ана шундай ижобий ўзгаришларни инобатга олган ҳолда, Европа пойтахти Брюсселда туризм ва сармоияга бағишланган иқтисослаштирилган форумни ўтказиш учун ушбу жадаликдан фойдаланиш вақти келди, деб ўйлайман. Бу Ўзбекистоннинг Европа бозоридаги иштирокини кенгайтириш, асосий манфаатдор томонларни жалб қилиш ҳамда қўхна қитъа билан янги ҳамкорлиқни йўлга қўйиш учун стратегик платформага айланиши мумкин.

Сюй ТАО,
Евроосиё ижтимоий тараққиёт институти директори ўринбосари (Хитой):



— Ўзбекистон Президентининг Францияга давлат ташрифи икки томонлама савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни ривожлантириш учун янги истиқболларни очмоқда. Имзоланган ҳукуматлараро ва идоралараро келишувларнинг мустақам тўплами ҳар икки

томоннинг кўп қиррали ҳамкорлиқни янада чўқурлаштиришга жиддий интилишдан далолат беради.

Давлат ташрифи доирасида маданият, туризм, таълим ва тиббиёт соҳаларида ўтказилган кўплаб қўшма тадбирлар Ўзбекистон — Франция муносабатларидаги ушбу муҳим воқеага янада шиқоат бағишлади.

Шу билан бирга, ташриф дастуридан ЮНЕСКО бош директори билан учрашув ўрин олганига ҳам эътибор қаратдим. Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг халқро маданий-гуманитар ҳамкорлиқдаги, хусусан, ЮНЕСКО доирасидаги фаол ролини алоҳида таъкидламоқчиман. Жорий йилда ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессиясининг тарихий Самарқанд шаҳрида ўтказилиши Ўзбекистоннинг бу борадаги сайёҳаракатларининг халқро микёсдаги эътирофидир.

Ашраф Абу АРАФА,
«Ал-Дипломаси» ахборот агентлиги бош муҳаррири (Миср):



— Ташриф икки давлат ўртасидаги стратегик шерикликни мустақамлашган, кўп қиррали ҳамкорлиқнинг янги истиқболларини очган муҳим воқеа бўлди. Бундай ташрифлар икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди, иқтисодий, сармоиявий, маданий-маърифий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлиқни янада ривожлантириш учун мустақам замин яратди. Музокаралар давомида эришилган келишувлар, жумладан, стратегик шериклик муносабатларини йўлга қўйиш Ўзбекистон — Франция ҳамкорлиғига янги сурият бағишлайди.

Ташрифнинг иқтисодий жиҳатига алоҳида эътибор қаратиш жоиз, деб ўйлайман. Имзоланган шартномалар ва инвестиция лойиҳалари илғор технологияларни жалб этиш, инфратузилма, энергетика, транспорт ва муҳим минерал-ҳомашё тармоқларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Ишонаманки, Ўзбекистон Президентининг Францияга давлат ташрифи якунлари узоқ муддатли истиқболда икки мамлакат тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади.

Раҳмон УЛМАСОВ,
Россия — Тожикистон (славян)
университети профессори:



— Ўзбекистон Президентининг Парижда ташрифи мисли қўрилмаган ва мураккаб халқро вазиятда ўтмоқда. Бундан 70 йил аввал Марказий Осиё етакчиларининг Елисей саройида қутиб олиниши тасаввур қилиш қийин эди. Ўзбекистон Франция билан муносабатларида етакчи ҳисобланади. Буни рақам ва фактлар ҳам тасдиқлайди.

Ишончмн қилдик, икки томонлама ўзбек — француз муносабатлари Ўзбекистон билан қўшми давлатларга ҳам таъсир кўрсатади.

Бундан ташқари, ташриф Франциянинг Европа қитъасидаги фаолияти нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга. Имзоланган ҳужжатлар ҳам иқтисодий, ҳам бошқа соҳалардаги шериклик қўламини кенгайтириб, ҳамкорлиқнинг барча мумкин бўлган йўналишларини қамраб олди.

Бу ҳар икки томон ҳам ҳамкорлиқни чўқурлаштиришга интилишининг яққол сиёсий белгисидир. Ташриф 1992 йилда дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан бунён эришилган салмоқли ютуқларни ифода қилади ва глобал муаммоларни биргаликда ҳал этиш бўйича бизнинг умумий интилишимизни тасдиқлайди.

«Дунё» АА.

Франциянинг етакчи компаниялари билан Ўзбекистонда 6,5 миллиард евролик истиқболли кооперация лойиҳалари амалга оширилди.

Сенат қўмиталарида
БАРЧАСИ ИНСОН УЧУН



Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси мажлисида бир қатор муҳим масалалар қўриб чиқилди. Унда дастлаб “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига баъзи турдаги тамаки маҳсулотларининг, тамакини ва никотинни истеъмол қилиш мосламаларининг муомаласига доир талабларни янада кучайтиришга қаратилган ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда аҳоли ўртасида, айниқса, болалар ва ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жумладан, тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ва истеъмол қилинишини чеклаш бўйича тизимли ишлар олиб борилаётир. Шу билан бирга, сўнгги йилларда тамаки ва никотин маҳсулотларининг янги турлари, хусусан, электрон сигареталарни қонунга ҳилоф равишда мамлакатимизга олиб кириш ҳамда муомалага киритиш ҳоллари кўпаймоқда. Мазкур қонун аҳоли, айниқса, болалар ва ёшлар соғлиғига хавф туғдирувчи салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқилган. Қонун билан Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга муомаласи таққиланган тамаки маҳсулотлари, никотин этказиб беришининг электрон тизимлари, жумладан, электрон сигареталарни ва улар учун суюқликларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташishi ёки ўтказиш, шунингдек, олиб кириш ва олиб чиқиш учун жавобгарлик белгиланишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда. Бундан ташқари, қонун билан тамакини қиздириш тизимларини қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш ҳамда ишлаб чиқариш учун ҳам маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланмоқда. Йигилишда Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2024 йилдаги фаолияти тўғрисидаги маърузаси ҳам тингланди. Омбудсман институти томонидан фуқаролар-

нинг муурожаатларини қўриб чиқиш ва уларнинг бўзилган ҳуқуқларини тиклаш, қўйноққа солиш ҳолатларининг олдини олиш, инсон ҳуқуқлари соҳасида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, шунингдек, давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва миллий институтлар билан ҳамкорлик йўналишларида қатор ишлар бажарилган. Омбудсманга 2024 йилда келиб тушган муурожаатлар сони олдинги йилдагига нисбатан 25 фоизга ошган. Айниқса, ижтимоий соҳага тааллуқли муурожаатлар сони 2023 йилдагига қараганда кескин равишда, яъни 82 фоизга ортганлиги ташвишланарли эканлиги қайд этилди. Бундан ташқари, фан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида Омбудсман томонидан фуқароларнинг манфаатларини қўзала судларга киритилган даъво-аризалари, шунингдек, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича ташкилот ва мансабдор шахсларга қўйилган таъсир чораларини қўриб чиқиш натижадорлиги муҳокама қилинди. Сенаторлар Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил-га ижтимоий соҳага тааллуқли бўлган муаммоларнинг олдини олиш ҳамда бартараф этиш бўйича тегишли чоралар қўриш, бунда Омбудсманнинг таъсир чораларидан самарали ва қонунчилик ташаббусидан кенгроқ фойдаланиш бўйича тавсиялар берди. Мажлис якунида қўриб чиқилган масалалар бўйича сенаторларнинг муносабати эътиборга олиниб, қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

МУҲОКАМА
ҚИЗҒИН КЕЧДИ

Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси мажлисида бир қатор қонунлар муҳокама қилинди. Сенаторлар томонидан дастлаб “Ўзбекистон Республикасининг Сув кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонун қўриб чиқилди.

Мамлакатимизда сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш, тегишли тармок ва соҳаларда сув тежовчи технологияларни жорий этиш, шунингдек, су-гориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Соҳада олиб борилаётган ислохотлар натижасида ўтган асрнинг 90-йилларидагига нисбатан сув сарфи йилга 64 млрд. метр кубдан ҳозир-ги кунда ўртача 51 млрд. метр кубгача камайитириди. Бироқ янги ривожланиш стратегиясининг шакллантирилиши ва шунга мос равишда сув муносабатларининг ижтимоий-иқтисодий асослари ўзгартрилиши сувга оид қонун ҳужжатларини қайта

қўриб чиқиш заруратини ву-жудга келтирмоқда. Бугун муҳокамага сабаб бўлган қонуннинг қабул қили-ниши сувдан оқилана фойда-ланиш, уни самарали бошқа-риш ва муҳофазаси ҳамда сув ҳўжалигини ривожлантириш учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратди ва халқро сув ҳуқуқи меъёерларини миллий сув қонунчилигида акс эттириш ва ушбу йўналишда Ўзбекис-тоннинг халқро майдондаги ижобий имижини яхшилашга хизмат қилади. Бундан ташқари, сув муносабатлари соҳасидаги асосий ҳуқуқий ҳужжатларни Сув кодексига жамлаш имконини беради. Мажлисда, “Хайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва қузатиш тўғрисида”ги қонун ҳам муҳо-

кама марказида бўлди. Маз-кур қонуннинг мақсади ҳай-вонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва қу-затиш соҳасидаги муносабат-ларни тартибга солишдан иборат.

Қонуннинг қабул қилиниши натижасида ҳайвонларнинг насли ва соғлиғи ҳолати тўғрисида ахборотни ўз ичи-га олган ҳайвонлар ҳисобини юритишнинг ягона электрон тизими яратилади, улар хавфли юкумли касалликлар-га қарши давлат томонидан тўлиқ бепул профилактик эм-ланишига эришилади. Нати-жада республика ҳудудига ҳайвонлар юкумли касаллик-лари кириб келишининг ол-дини олиш ва ветеринар осийишталикни таъминлашга йўналтирилган тадбирларни тизимли равишда амалга ошириш имкони яратилади. Мажлис якунида қўрилган масалалар юзасидан қўмита-нинг тегишли қарори қабул қилинди.

АЙРИМ ҚОНУНЛАРГА
ЎЗГАРТИРИШ ВА
ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИЛМОҚДА

Олий Мажлис Сенати Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитасининг бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида бир қатор қонунлар дастлабки тарзда муҳокамадан ўтказилди.

Кейинги йилларда банклар фаолиятини тартибга солувчи қатор қонунлар қабул қилинди ва банк назорати тақомиллаштириб борилди. Банкларни санациялаш тизими тўловга лаёқатсиз банкларни текзор тартиб-да соғломлаштириш ёки тугатиш, шунинг-дек, уларнинг иқтисодиёт учун муҳим бўлган вазифалари ва хизматлари узлуксизлигини таъминлаш, омонатчилар ва кредиторлар манфаатларини ҳимоялаш, банкларнинг бюд-жет маблағларига қарамлигини камайитириш, миқозларнинг банк тизимига ишончини оши-риш имконини беради. “Банкларни санация қилиш ва тугатиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳам ушбу вазифалар-ни ҳал этишга қаратилган. Мажлисда муҳокама этилган “Кредитор-ларнинг гаров билан таъминланган талаб-ларни қаноатлантириш натижасида тақомил-лаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлари-га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғри-сида”ги қонун билан кредиторларнинг гаров-даги мулкка нисбатан ҳуқуқларининг усту-ворлигини таъминлаш, уларнинг талаблари-ни суддан ташқари тартибда қондириш ти-зимини ривожлантириш, ушбу тизимни та-қомиллаштириш, мажбуриятларни гаровда-ги мол-мулк ҳисобидан ундириш жараёнла-рини соддалаштиришни назарда тутувчи меъёерлар киритилмоқда. Қонунда гаров нар-саси ҳисобланган мол-мулк гаровга қўювчи-дан жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун олиб қўйилганда гаровга олув-чида ўз талабларини ушбу мол-мулк ҳисо-бидан устувор тарзда қаноатлантириш ҳуқуқини сақлаб қолиш, шунингдек, ундирув қаратилган гаров мулкнинг очик қимосиди савдосида сотилишини гаровга қўювчининг илтимосига асосан кечиктиришга йўл қўймас-лик белгиланмоқда.

«Халқ сўзи».

КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА
ДАҲЛДОРЛИК ВА МАСЪУЛИК

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида Президент Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 5 март куни ўтказилган Коррупцияга қарши куралиш бўйича миллий кенгашининг кенгайтирилган ййигилишидаги нутқиди белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва унинг қўмиталари олдида турган вазифалар қўриб чиқилди. Мажлисда сўзга чиққан қўмиталар раислари коррупция иллатини йқўйтиш бўйича ўз муносабатларини билдириб, келгусидаги режалари билан ўртоқлашди.



НУҚТАИ НАЗАР

Шарофиддин НАЗАРОВ,
Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси:



— Очигини айтиш керакки, ҳақиқатан ҳам қонун ижодкорлиги ва парламент назорати тадбирларида тегишли соҳаларда коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар, уларнинг олдини олиш ва профилактика чораларига оид қўлаб масалалар қўмитамиз эътиборидан четда қолган экан. Шу боис фаолиятимизни қайта қўриб чиқиб, янгича ёндашувларни жорий қилиш устида ишмимизни бошлаб юбордик. Айни вақтда солиқ, бюджет ва банк соҳаларида, шунингдек, молиявий хизматлар борасида коррупция ҳолат-ларини келтириб чиқараётган омил-ларни бирма-бир ўрганиб чиқаямиз. Иш режамизда қўмитамиз аъзолар-ининг ҳудудларга чиқиб, Давлат бюд-жети маблағларидан амалга ошири-ладиган дастурларнинг бажарилиши устидан таҳлилларни ўтказиш ҳам кўзда тутилган. Бу жараён доимий бўлади. Бунда молиявий операциялар шаффофлиги ва коррупция омиллари мавжудлигига алоҳида эътибор қаратилади.

Ушбу ўрганишлар жараёнида дав-лат харидлари тизими ва бу борада қонунчиликка қандай амал қилинаёт-ганлиги ўрганилади, харидларни амалга ошириш механизмларида кор-рупцияга оид бўшлиқлар аниқланади ва бу бўйича тегишли тақлифлар ишлаб чиқилади.

Қўмитамиз коррупцияга қарши фаолиятини самарали ташкил қилиш мақсадида қуйдаги масалаларга ало-ҳида эътибор қаратади:

- Давлат бюджетининг шакллани-ши ва унинг ижросини таъминлашда коррупциявий омиллар жойларга чиқиб, маҳаллаларга бориб аниқла-нади ҳамда уларни бартараф этиш учун амалдаги қонунчиликка аниқ тақ-лифлар тайёрланади;
- молиявий назорат механизмла-рини янада кучайтириш устида иш олиб борилади. Бюджет харажатла-рини таҳлил қилишни тизимли йўлга қўйишда тегишли тақлифлар тақдим этилади;
- рақамлаштириш орқали давлат молияси, солиқ ва боғжона тизимла-рида инсон омиллини камайитириш, мо-лиявий ахборот тизимлари очиклиги-ни таъминлаш, бунда улар фаолияти шаффофлигига эътибор қаратиш бўйича иш олиб борилади;
- давлат харидлари жараёнида кор-рупцияга қарши курашни кучайтириш, танлов ва тендер жараёнларининг очик-ча шаффоф ўтказилишини таъминлаш бўйича қўмита олдида қўйилган аниқ вазифа, яъни тўғридан-тўғри харидлар-ни икки қарра қисқартитиш бўйича аниқ тақлифлар берилади;
- қонунчилик ташаббусларини ишлаб чиқиш жараёнида жамоатчилик фикрини инобатга олиш, Давлат бюд-жетининг шаффоф ва самарали бош-қарилишини таъминлаш мақсадида жамоатчилик кенгашлиари билан ҳам-корлик кучайтирилади.

Давлат молияси, банк тизими, бюд-жет, солиқ ва пул-кредит сисётаси мамлакатимиз тараққиётининг асосий воситаларидан биридир. Уларнинг шаффофлиги ва самарали бошқари-лиши учун тегишли қўмиталар, жамо-атчилик, масъул вазирлик ҳамда идо-ралар билан коррупциянинг олдини олиш борасида ягона куч бўлиб ҳарак-ат қилишини мақсадга мувофиқ.

Равшан МАМУТОВ,
Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси раиси:



— Давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган муҳим вазифалардан келиб чиқиб, иш усу-лубимизни янада тақомиллаштирган ҳолда, жойларга чиқиб ўрганишлар-ни қаррасига оширишни олдимизга вазифа қилиб олдик. Қўмитамиз аграр ва сув ҳўжалиги тармокларини таҳлил этганда, айрим ҳолатларда коррупциянинг юзага ке-лиш эҳтимоли мавжудлиги кўзга та-шланди. Шундан келиб чиқиб, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларни етиштирув-чи қўтарган қатор йўналишлар-га фаолиятимиз давомида жиддий эътибор қаратишимиз шарт. Жум-ладан, ерга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш механизмини тақомил-лаштиришда ерга бўлган ҳуқуқлар-дан, ҳаттоки ихтиёрий воз кечиш ихарақларнинг “ёзма ариза” бе-ришдан электрон тарзда ўз плат-формаси орқали амалга оширили-ши лозим. Бу юзага келиши мум-кин бўлган коррупциявий ҳолатлар-нинг олдини олади.

Пахта-ғалла йўналишидаги фермер ҳўжаликлари ер майдонининг бир қисмига бошқа қишлоқ ҳўжалиги экн-ларини жойлаштириш бўйича қонун-чиликда норма мавжуд бўлиб, ундан барча ҳудуд бирдек фойдаланишининг имкони йўқ. Демак, бу борада шаф-фоф тизим яратиш зарурати бор.

Давлат томонидан ахратилаётган субсидияларни электрон тарзда олиш имконияти мавжуд бўлса-да, субси-дия платформаларига бир хил шакл-даги ариза ва маълумотлар кирити-лишига қарамасдан, айрим ҳолатлар-да “маълумотлар хато киритилган” де-ган вақтлар билан рад этиш ҳолатла-ри учраётгани бу тизимнинг чуқур таҳ-лил қилинишни тақозо этади.

Фермер ҳўжалиги ёки бошқалар томонидан сув ресурсларидан фой-даланганлик учун солиқ тўловлари, асосан, экин тури учун белгиланган сув меъёерларидан келиб чиқиши ва сувнинг олди-бердиси ёзма далолат-нома орқали расмийлаштириш ўрни-ча электрон тарзда тақдим қилиниши йўлга қўйилиши ҳам адолатли шаф-фоф тизим яратишга қаратилган чо-ралар ҳисобланади.

Ҳудудлардаги мавжуд пилла пункт-ларида топириш-қабул қилиш тизи-мини тақомиллаштириш, бу жараён-ни онлайн равишда қузатув камера-ларидан ва электрон тарозилардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш муҳим.

Албатта, буларнинг барчаси кор-

рупциявий ҳолатларнинг олдини олишда ижобий натижа беради.

Нодир ЖУМАЕВ,
Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси раиси:



— Дарҳақиқат, қўмита олдида фан, таълим, ма-даният, спорт ва ёшларга оид соҳа-ларда коррупцияга қарши курашиш борасида қилини-ши лозим бўлган тизимли масала-лар кўп. Айни пайтда қўмитамиз то-монидан жойларда таълим, маданият хизматларини кўрсатишда бюрократ-ия ва коррупция хавфлари изчил ўрганилмоқда.

Фаолиятимизни самарали ташкил қилиш мақсадида келгусида қатор ма-салаларга алоҳида эътибор қарата-миз. Энг аввало, “Коррупция — кела-жакка таҳдид” деган гоя асосида янги Ўзбекистон ёшлари, азиз фарзандла-римиз қалбидан жой оладиган тизим яратиш бўйича чора-тадбирлар бел-гилаб олинди.

Таълим, маданият, спорт соҳа-рида маийшй коррупциявий ҳолатлар ўрганилиб, қонунчиликка тақлифлар тайёрланади ва давлат идораларига тегишли тавсияларни беришда таша-ббуксор бўламиз.

Шунингдек, ушбу соҳаларда рақам-лаштириш, инсон омиллини камайи-риш, коррупцияга қарши курашиш борасида қабул қилинган қонунлар, Президентимизнинг Фармон ва қарорларининг вазирликлар ва идо-ралар, ҳокимликлар томонидан ўз вақ-тида, моҳиятан тўғри бажарилиши ус-тидан парламент назорати ўрнатилади.

Мустанқил фикр, қатъий позицияга эга ёш авлодини тарбиялаш бўйича олий таълим ташкилотларида талаба ва ёшларнинг коррупцияга қарши лойиҳалари, стартап ҳамда иннова-ция ташаббусларини қўлаб-қувват-лаш тизимини йўлга қўйишда иштирок этамиз.

Давлатимиз раҳбари томонидан коррупцияга қарши илгари сурилган 55 та аниқ мақсадга йўналтирилган ташаббусларни амалга оширишда биз, депутатлар алоҳида фаоллик кўрсатамиз.

Назира МУХТОРОВА,
Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси:



— Ҳақиқатан ҳам, коррупцияга қарши курашишда тизимда шаффофлигини таъ-минлаш, бюрократик тўсиқлар, майда ма-ийшй коррупцион ҳолатлар ханузгача бор ва уни бартараф

этиш борасида қўлаб масалалар қўмитамиз эътиборидан четда қолган экан.

Аҳолини ташвишлантираётган ма-салалар ва коррупциявий хавфларни аниқлаш, ечим топиш борасида ўз фаолиятимизни қайта қўриб чиқдик ҳамда янгича ёндашув билан иш бош-ладик. Хусусан, 8-9 март кунлари ҳудудларда бўлиб, “маҳалла еттили-ги” вакиллари билан учрашдик, аҳоли дуч келаётган қатор муаммолар тўри-сида суҳбатлашиб, тақлиф ва фир-лар олдинди.

Бугун тиббиёт соҳасидаги муаммоларни ўрганиш жараёнида қабул қилинган дастурлар ижроси ақунланмагани, бирламчи тиббий хизмат сифати пастлиги, корруп-цион ҳолатлар устидан назорат ўрнатиш мақсадида ишонч рақамла-рининг узлуксиз ишлаши таъминлан-магани каби ҳолатлар қузатилмоқ-да. Мазкур тўсиқларни олиб ташлаш, давлат идоралари фаолиятидаги коррупциявий ҳолатларни бартараф этиш бўйича тегишли тақлифларни ишлаб чиқиш устида ишлашни бош-ладик.

Қўмитамиз фаолиятини самарали

олиб бориш мақсадида келгусида бир қатор муҳим масалаларга эътибор қаратишни иш режамизда белгилаб олдик. Жумладан, коррупция ҳолат-лари энг кўп, дея айтилган туман тиб-биёт бирлашмаларида бирламчи тиб-бий-санитария ёрдами фаолияти, дори-дармон воситалари бўйича ха-рид қилиш тартиблари, бандликка қўмаклашиш бўлимларида хизматлар-ни рақамлаштириш масалалари қўмита томонидан чуқур ўрганилади.

Қўмита аъзолари кўпроқ маҳалла-ларга чиқиб, жойларда тиббиёт муас-сасаларига ишга қабул қилиш жараё-нидаги бюрократик тўсиқларни бартар-ваф эйтиш ва ҳодимларни ишга очик танлов асосида олиш тартибини бел-гилаш бўйича ўрганишлар ўтказоди.

Қонун ижодкорлиги жараёнида қўриб чиқилаётган қонун лойиҳалари, қабул қилинган қонунлар талабларининг бажарилиши устидан қатъий на-зорат ўрнатилади.

Соҳаларни рақамлаштириш, инсон омиллини камайитириш, коррупцияга қарши курашиш борасидаги қонунлар, шунингдек, Президентимизнинг Фар-мон ҳамда қарорларининг вазирлик-лар ҳамда идоралар, ҳокимликлар то-монидан ўз вақтида, юқори сифат бил-лан ва тўғри бажарилиши устидан парламент назорати ўрнатилади, те-гишли тақлифлар киритиб борилади.

Бобур БЕКМУРОДОВ,
Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат қўмитаси раиси:



— Биз аҳоли ва тадбиркорларни ташвишлантираётган бюрократик тўсиқлар ҳамда коррупциявий хавфларни аниқлаш ва ечим топиш бо-расида ўз фаолияти-мизни тўлиқ қайта қўриб чиқдик. Тадбиркорлар дуч ке-лаётган қатор муаммолар бўйича ўрганишлар ўтказиб, тегишли ўза-ришлар бўйича тақлифларни ишлаб чиқиш устида ишлашни бошладик. Масалан, кўп квартиралы уйлارни қамқарувчи компаниялар фаолияти-ни ўрганиш жараёнида мазкур ком-панияларни танлашда мулкдорлар иш-тироки ҳар доим ҳам таъминланмаёт-ганилиги, мажбурий бадалларни бел-гилашда қонунчилик талабларига риоя қилинмаслиги каби ҳолатлар аниқлан-моқда. Албатта, бу бўйича тегишли тақлифлар тайёрланади.

Айни вақтда қўмитамиз томонидан жойларда аҳолига ичмлик сувини ет-казиш ва соҳада сервис хизматлари-ни кўрсатиш борасидаги бюрократия ҳамда коррупция хавфлари ҳам чуқур ўрганилмоқда.

Фаолиятимизни янада самарали ташкил қилиш учун келгусида усту-вор масалаларга алоҳида эътибор қаратишни иш режамизда белгилаб олдик. Қуноччи, депутатларимиз кўпроқ маҳаллаларга чиқиб, жойлар-даги маийшй коррупциявий ҳолатлар-ни ўрганган ҳолда қонунчиликка тақ-лифлар тайёрлайди ва давлат идо-раларига тегишли тавсияларни бериш-да ташаббускор бўлади.

Қонун ижодкорлиги жараёнида қонунларни коррупция, идоровий ман-фаатлар ва бюрократик тўсиқлардан тўлиқ холи қилишимиз лозим. Яқинда ушбу нормаларни ўз ичига олган янги қонунни қабул қилдик. Унинг талаб-лари бажарилиши устидан, албатта, қатъий назорат ўрнатилади.

Доимий равишда тадбиркорларни қийнаётган бюрократик тўсиқларни ўрганган ҳолда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида фаол-лик кўрсатамиз.

Қонунларни қабул қилишда кўпроқ жамоатчилик билан мулоқотга таяниб иш тутамиз. Яқинда ҳар бир қўмита ҳузурда жамоатчилик кенгашлари ташкил этилди. Эндиликда қонун лойиҳаларини одамларимизнинг фик-рига таянган ҳолда жамлашди кен-гашлари билан биргаликда қўриб чи-қамиз ва қонунларнинг янада халқчил бўлишини таъминлаймиз.

«Халқ сўзи».

АҲОЛИНИ КАМБАҒАЛЛИКДАН ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА
ҚАНДАЙ ЧОРАЛАР КЎРИЛМОҚДА?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ташаббуси билан навбатдаги “Ҳукумат соати” бўлиб ўтди. Унда “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида аҳолини камбағалликдан чиқариш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги масала муҳокама қилинди.

«ҲУКУМАТ СОАТИ»

Кун тартибидидаги ушбу ма-сала юзасидан депутатлар-нинг саволларига Камбағал-лиқни қисқартитиш ва банд-лик вазирни Б. Зоҳидов жа-воб берди. Вазирнинг қайд этишича, олиб борилган тизимли иш-лар натижасида ўртимизда 2024 йилда камбағалликда-ржази 11 фоиздан 8,9 фо-изга камайган. Сайхунобод тажрибаси орқали маҳаллаларда 326 мингта микролойҳани

амалга ошириш ҳисобига 578,6 мингта янги иш ўрни ташкил этилган. Уй ҳўжали-ларининг қишлоқ ҳўжалиги ва томорқадан олган даро-мадлари 15 фоизга ошган. 2024 йилнинг ўзида 67,7 минг нафар ишсиз, ай-ла-ниска, камбағал оила аъзо-ларининг тадбиркорлик, ка-саначилик, ҳўнармандчилик фаолиятини рағбатланти-ришга 355 млрд. сўм суб-сидиялар ажратилган. “Ҳукумат соати”да депу-

татларга аҳолини даромад-ли меҳнат билан таъминлаш бўйича 2025 йилнинг ўтган даврида амалга оширилган чора-тадбирлар юзасидан ҳам маълумот берилди. Таъкидланганидек, “Камбағалликдан фаровон-лик сари” дастури доира-сида “Камбағал оилалар реестри” ишга туширилган. Бугунги кунга қадар 881 мингта оиланинг тур-муш шароити ўрганилиб, уларнинг 416 мингтаси “Камбағал оилалар реестри”-га киритилган.

Ушбу оилаларнинг ижти-моий-иқтисодий аҳолини яхшилаш чора-тадбирлари-ни амалга ошириш бўйича “Индивидуал режа” ама-лиёти жорий этилган. Маз-кур институт доирасида 55,1 минг камбағал оила-нинг даромадини ошириш-га қаратилган 77 мингта

хизмат кўрсатилган. Жумла-дан, 15,2 минг фуқаро ишга жойлаштирилган, 14,5 минг нафарига кредит ва субси-дия ажратилган, 44,1 минг фуқаро тадбиркорликка жалб қилинган, 3,5 минг нафари касб-хўнарга ва тадбиркорликка ўқитилган.

Депутатлар соҳада амал-га оширилаётган ишларни эътироф этиб, аҳолини да-ромадли меҳнат билан таъ-минлаш, ишсизлик даража-сини тушириш, ногиронли-ги бўлган шахсларнинг бандлигига эришиш бўйича вазирнинг режалари билан қизикди.

Б. Зоҳидовнинг таъкидла-шича, 2025 йилда 1,5 милли-он аҳолини камбағалликдан чиқариш, камбағаллик дара-жасини 6 фоизгача қисқарти-риш белгиланган. Бунда кам-бағал оилалар реестрига ки-ритилган 400 мингдан ортиқ

оилаларга индивидуал дастур ишлаб қилинади.

Шу билан бирга, 20 минг нафар ногиронлиги бўлган шахсининг бандлиги таъмин-ланади. Касбий қўникмалар марказлари ва нодавлат таъ-лим ташкилотлари ҳамда “Уста — шогирд” мактабла-рида 265 минг нафар киши касб-хўнарга ўқитилади. Аҳолини тадбиркорликка ўргатиш, уларнинг ўз бизне-сини ташкил этишга қўмак-лаштиши учун 10 та ҳудудда 22 та

ЎЗБЕКИСТОННИНГ КАВКАЗ МИНТАҚАСИДАГИ МУҲИМ ШЕРИГИ

Ўзбекистон ва Грузия ўртасида савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар алоқалар изчил ривожланмоқда. Икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 2024 йилда 50 фоизга ошган бўлса, 2025 йилнинг январь ойида бу кўрсаткич 18,5 млн. долларни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 38 фоиз кўпайгани ҳам фикримиз далили. Бугунги кунда пойтахтлар орасида тўғридан-тўғри авиапарвозлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда грузиялик инвесторлар иштирокида ташкил этилган рақамли банк фаолият юритмоқда. Гуманитар йўналишда Тбилиси шаҳрида Ўзбекистон маданияти ва киноси кунлари муваффақиятли ўтказилди.

Таҳлил

Давлатимиз раҳбари 4-5 март кунлари юртимизга расмий ташриф билан келган Грузия Бош вазир Ираклий Кобахидзени қабул қилар экан, музокаралар чоғида икки давлат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва савдо ҳамкорлигини янги даражага олиб чиқиш масалалари устувор бўлди.

Бугунги кунда Грузияда Ўзбекистон элчихонаси очилиши эҳтимоли муҳокама қилинаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ҳозирча мамлакатимиз манфаатларини Озарбайжондаги дипломатик ваколатхона ҳимоя қилади. Қолаверса, Тбилиси ва Батумида Ўзбекистон савдо йўллари очилиши режалаштирилган. Бу мамлакатимиз маҳсулотлари экспортни унун муҳим платформага айланади. Ўзбекистон Грузияга автомобиллар, тўқимачилик ва электр техникаси маҳсулотлари экспорт қилиш, Грузия йўллари орқали жaxon бозорига чиқишдан манфаатдор.

Ўзбекистон ва Грузия ўртасидаги инвестициявий ҳамкорлик ишга солинмаган улкан салоҳиятга эга. Мамлакатимизда Грузия сармояси иштирокидаги 69 та корхона рўйхатга олинган. Савдо алоқалари Ўзбекистоннинг Грузия бозорига, хусусан, тўқимачилик, чарм-поабзал, қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, автомобиллар, электротехника товарлари ва кимё маҳсулотлари экспорт тури ҳамда ҳажмини кенгайтириш учун салмоқли салоҳият мавжуд.

Бундан ташқари, Грузия Европа ва Туркия мамлакатлари бозорларига товарларни етказиб бериш учун Транскаспий (Ўрта) халқаро транспорт йўналишининг муҳим бўғини. Мамлакатнинг Потти портдада қурилаётган янги мультимодал терминал Ўзбекистон маҳсулотларининг Евро-



па бозорига чиқишини тезлаштиради. Шу нуктаи назардан қараганда, Ўзбекистон Грузияга асосий логистика ҳамкори сифатида қарайди.

Қишлоқ хўжалигида Ўзбекистон жaxon вино бозорига чиқиш учун Грузия виночилари тажрибасидан фойдаланиши режалаштирилмоқда. Эътиборлиси, ҳар икки мамлакат ўз минтақаларида иқтисодий ривожланиш бўйича етакчилардан саналади. Ўзбекистонда йиллик ўсиш ўртача 6-6,5 фоиз атрофида бўлса, Грузия денгиз бўйида жойлашган ва сайёҳликни ривожлантира олган давлат сифатида ишончли ўсишни намойиш этмоқда — сўнгги тўрт йилда иқтисодий ривожланишнинг ўртача суръати Европада энг юқори кўрсаткич бўлган 9,5 фоиздан ошди.

Расмий Тбилиси либерал иқтисодий сиёсат олиб бораётган, паст солиқ ставкалари ва солиқларнинг минимал миқдори билан ажралиб туради. Бу омиллар Грузияда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш истигади бўлган ўзбекистонлик сармоядорлар учун қўлай шарт-шароит яратиб туриш мумкин. Грузия ҳукумати раҳбари туризм, санъат, фан, таълим ва спорт соҳаларида Ўзбекистоннинг салоҳиятига юқори баҳо бериб, ҳамкорлик истиқболларидан манфаатдорлигини таъкидлади. Ташқаридан бўлаётган турли босимларга қарамай, мамлакатда барқа-

рорликни сақлаб қола олгани учун ҳам Грузияни муваффақиятли демократик ислохотлар ва ички муаммоларга чидамлилиқ намунаси деб аташ мумкин.

Тошкентдаги мулоқотларда Ўзбекистон юклари учун Грузиянинг Потти ва Батуми портларининг транзит салоҳиятидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлаш ўринли. Грузиянинг Ўзбекистон учун Жанубий Кавказ транзит маркази сифатидаги стратегик аҳамиятини инкор этиб бўлмайди. Бир томондан, Потти шаҳрида кўп функцияли йирик терминалнинг қурилиши Ўзбек товарларининг Европа бозорига чиқиши учун янги имкониятлар очаётган бўлса, иккинчи томондан, Грузиянинг дунёдаги етакчи иқтисодиётга эга давлатлар билан эркин савдо тўғрисидаги келишувларга эга экани уни Ўзбекистоннинг экспорт йўналишларини диверсификация қилиш бора-сидаги устувор ҳамкорига айлантирмоқда.

Ўтган йили Ўзбекистон "Поти" эркин индустриал зонасида йирик кўп функцияли терминал қурилишини бошлади. Лойиҳа 30 гектар майдонда амалга оширилмоқда ва умумий инвестиция қиймати 18,3 миллион долларга баҳоланмоқда. Қурилишнинг биринчи босқичида сигими 1000 тонна бўлган музлатилган маҳсулотлар омбори ташкил этилиши кўзда тутилган. Иккинчи босқичда майдони 5 минг квадрат метр бўлган умумий юкларнинг ёпиқ омборини қуриш режалаштирилган. Учинчи босқичда қўйма юклар учун омборхона ҳамда катта ҳажмли ва контейнер юклари учун терминал қурилади. Омбор терминали кейинчалик Европада экспорт учун Ўзбекистондан юклари қабул қилади. Бундан ташқари, бу ердан Европа товарларини Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа давлатларига юклаш кўзда тутилган.

Ўзбекистон учун Грузия Жанубий Кавказдаги эркин савдо келишувлари ҳамда рақобатбардош бозорга эга бўлган асосий транзит мамлакат ҳисобланади ва Ўзбекистонни Фарб билан боғлашда муҳим стратегик роль ўйнайди. Шунингдек, транспорт ва логистика соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, жумладан, Боку — Тбилиси — Карс транспорт коридоридан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришдан ҳар икки томон манфаатдор. Ўзбекистон икки асосий йўналишини ҳисобга олган

ҳолда Европада юк ташиш ҳажмини оширишга интилмоқда. Биринчиси — Каспий денгизи, Озарбайжон ва Грузия, иккинчиси — Туркия орқали. Туркия транспорт инфратузилмаси секин ривожланаётгани ва темир йўл алоқалари билан боғлиқ муаммолар боис маҳсулотларни Грузиянинг Қора денгиз портлари орқали экспорт қилиш устувор вазифага айланмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Туркия, Озарбайжон ва Грузия ҳудудларидан ўтувчи Боку — Ахалкалаки — Карс темир йўл тармоғидан фойдаланмоқда. Ушбу транспорт йўлаги бизни Фарб бозорларига олиб чиқувчи энг қисқа транзит йўналиши ҳисобланади.

Савдо-иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига бевосита таъсир этувчи омиллардан бири транспорт ва транспорт коммуникациялари соҳасидир. Бугунги кунда икки мамлакатни боғлаб турувчи ҳудудларидан транспорт-коммуникация тизимисиз савдо алоқалари ривожланишини тасаввур этиш жуда қийин. Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари учун "Ўрта йўлак" Европа Иттифоқи мамлакатлари билан ташқи савдода энг муҳим йўналиш ҳисобланади. У "ривожланиш двигатели"га айланиши мумкин. Марказий Осиё ва Кавказ орқали Хитой ҳамда Европа бозорларини боғловчи автомобиль, темир йўл ва денгиз йўллари тармоғини — "Ўрта коридор"ни мустаҳкамлаш савдо-сотиқни ривожлантириш, иш ўринлари яратиш ва тадбиркорликни рағбатлантириш орқали иқтисодиёт тараққиётига ҳисса қўшади. Инвестиция ва самарадорлик чораларини ошириш 2030 йилга бориб йўлак бўйлаб ҳаракатланиш вақтини икки баравар ва савдо оқимларини уч баравар қисқартириши мумкин. Темир йўллари, шунингдек, интермодал ва денгиз объектларини модернизация қилишда инвестициялар зарур.

Осиё — Тинч океани минтақаси давлатлари, Хитой, Қирғизистон, Ўзбекистон, Туркменистон, Озарбайжон, Грузия, Туркия ва Европани қамраб олувчи халқаро мультимодал йўналишининг жорий этилиши Марказий Осиёдан юк ташиш вақтини уч баробар қисқартириши мумкин. Ушбу транспорт йўлагининг Ўзбекистон ва Грузия орқали ўтиши нафақат икки давлатнинг товар айирбошлаш ҳаж-

мини ошириш, балки уларнинг ҳудудлари орқали транзит юк ташиш ҳажмини сезиларли даражада кўпайтириш имконини беради.

Ган Ўзбекистондан Туркменистоннинг Туркманбоши портига, ўндан Бокуга, сўнгра Боку — Тбилиси — Карс (БТК) темир йўли бўйлаб Грузия орқали Туркияга, Ўрта Ер денгизи бўйидаги Мерсин портига олиб борадиган транспорт-транзит автомобиль йўлини шакллантириш ҳақида бормоқда. Бу Яқин Шарқ, Шимолий Африка, Европа мамлакатлари ва ҳатто АҚШ учун қўлай йўналиш очилади, дегани.

Шу ўринда 2017 йил 18 март куни Тошкентда Озарбайжон, Грузия ва Ўзбекистон темир йўл департаментлари раҳбарларининг биринчи уч томонлама учрашуви бўлиб ўтгани, унда томонлар юк ташиш жараёнида юзага келадиган муаммоларни тезроқ ҳал этиш мақсадида ушбу мамлакатлар темир йўлларининг ағона ваколатхонасини очишга келишиб олганини эслаш қийф. Грузиянинг денгиз дарвозаси ва "Ипак йўли" лойиҳасининг бир қисмига айланиши керак бўлган Анақлия порти қурилиши ҳам аҳамиятли. Бу Кавказ йўналиши бўйлаб товарларни етказиб беришнинг яна бир мукобилидир.

Бугунги кунда устувор вазифалардан яна бири "Ўрта коридор" бўйлаб савдонини осонлаштириш, чегараларни бошқариш ва хизматлар кўрсатишни яхшилаш муҳим аҳамиятга эга. Божхона ва чегара бошқаруви етарли даражада рақамлаштирилмаган, бу эса самарали ахборот алмашинувини чеклайди. Бундан ташқари, мувофиқлаштирилган, режалаштирилган ва вақтга оид хизматларнинг етишмаслиги мавжуд. Ўзбекистон ва Грузия бу масалаларнинг тезроқ бартараф этилишини истаيدди.

Грузия Бош вазирининг Ўзбекистонга ташрифи алоқаларимизни янги босқичга олиб чиқади. Ўзбекистоннинг ташқи савдо имкониятлари кенгайди. Маҳаллий тадбиркорлар учун Грузия орқали халқаро бозорларга чиқиш имконияти янада ошди. Дипломатик алоқалар мустаҳкамланиб, халқаро майдонда ҳамкорлик кучаяди.

Бахтиёр НАСИМОВ,
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти биринчи проректори.

РЕКЛАМА

ЎЗБЕК ХОККЕЙИ ТАРИХИДАГИ ОЛАМШУМУЛ ҒАЛАБА

Пойтахтимизда Таиланд Қироллигининг Бангкок шаҳрида бўлиб ўтган хоккей бўйича (U-18) жaxon чемпионатига иштирок этиб, голибликни қўлга киритган Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси хоккей жамоасининг мураббийи ва спортчилари билан учрашув бўлиб ўтди.



Юсуф БУРИЕВ олган сурат.

Рағбат

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов тадбирни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Франция Республикасига давлат ташрифи доирасида юз берган тарихий хушхабар билан бошлади. Хусусан, Федерация раиси мазкур ташриф доирасида Париж шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Франция Президенти Эммануэль Макрон томонидан тантанали равишда Франция Республикасининг олий мукофоти — Фахрий легион ордени билан тақдирланганини юксак фахр ва гурур билан алоҳида таъкидлади ҳамда мамлакатимиздаги 7 миллиондан ортиқ қасаба уюшма аъзолари ва фаоллар бундай қувончли хабарни зўр мамнуният ва эҳтиром билан қарши олганини билдирди.

Шундан сўнг учрашувда янги Ўзбекистондаги хоккей иштиробларининг кўп йиллик орзуларини рўбёга чиқарган ғалаба — ёш хоккейчиларимизнинг Бангкокда бўлиб ўтган жaxon чемпионатига (U-18) голибликни қўлга киритгани алоҳида эътироф этилди.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек хоккейи тарихидаги мазкур оламшумул ютуққа эришишда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Муз устида хоккей бўйича ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқувчиларидан ташкил топган ёш хоккейчилар жамоаси Жанубий Африка, Люксембург, Туркменистон, Босния, Таиланд каби давлатларнинг кучли хоккей жамоаларини енгиб, чемпионликни қўлга киритди ва ўзбек хоккейи тарихида янги саҳифа очиб берди.

Ўзбекистон жамоасининг жaxon чемпионатидagi йўналири ёш хоккейчиларимизнинг юқори профессионал маҳоратига ва рақиблардан бир неча поғона устунликка эга эканлигини намойиш этди.

Учрашувда айтилганидек, Ўзбекистон ёшларининг жaxon ареналарида эришаётган мана шундай тарихий ютуқлари ва муваффақиятлари Президентимиз ташаббуслари билан янги Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, профессионал спортчиларни танлаш ва тайёрлаш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларнинг амалий самарасидир.

Жaxon чемпионати — ёш хоккейчиларимиз учун чинакам ирода, жасорат ва матонат мактаби бўлди. Шижоатли ёшларимиз гоят кескин беллашувларда юксак ирода кўрсатиб, жaxon чемпионати мусобақаларининг ҳақиқий қаҳрамонларига айланди.

Шундан сўнг юксак ғалабани қўлга киритган Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг хоккей жамоаси ёш спортчилари ва уларнинг мураббийлари Қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан муносиб рағбатлантирилди — уларга табрикнома ҳамда пул мукофотлари топширилди.

Ўз навбатида, ёш хоккейчиларимиз юртимизда спортнинг ушбу турини ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган сайёҳаракатлар ва яратилаётган имкониятлар учун миннатдорлик билдириб, келгусида давлатимиз байроғини янада юксакларга кўтариш, мадҳиямизнинг дунё ареналарида янграшига муносиб ҳисса қўшишга ваъда беришди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати раҳбари.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ВАКАНТ (БЎШ) ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1.	Толали материалларни дастлабки ишлаш	доцент
2.	Ўзбек ва хорижий тиллар	катта ўқитувчи
		ассистент
3.	Чарм ва пойабзал муҳандислиги	доцент
4.	Ипак ва йигириш технологияси	доцент
5.	Бухгалтерия ҳисоби ва маркетинг	доцент
		ассистент
6.	Кимё ва матбаа муҳандислиги	ассистент
7.	Табиий фанлар	доцент
8.	Автоматлаштириш ва дастурий инжиниринг	доцент
9.	Тўқимачилик матолари технологияси	профессор
		доцент
10.	Меҳнат муҳофазаси ва экология	катта ўқитувчи
11.	Материалшунослик ва стандартлаштириш	катта ўқитувчи
12.	Тикув буюмлари технологияси ва рақамли инжиниринг	доцент
13.	Мода ва дизайн	профессор
14.	Қўшма таълим дастурларини мувофиқлаштирувчи бўлими Париж халқаро мода академияси (Франция AICP)	ассистент

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар ректор номига ариза билан кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, диплом ҳамда аттестат нусхалари, илмий ишлар ва иштиролар рўйхати, малака оширганлик тўғрисида ҳужжатлар нусхаларини топшириши шарт.

Аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.

Эслатма: мазкур институтда ишловчи шахслар ўтган муддат бўйича кадрада ҳисобот беради, танловда иштирок этувчилар синов дарслари ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Шоҳжаҳон кўчаси, 5-уй, 1-бино, 208-хона. Телефон: 71-253-17-78.

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар

ТАФСИЛОТЛАР

«Маҳмудхўжа Бехбудий. Миллат эҳтиёжига бахшида умр» рисоласи нашр этилди

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Миллий археология маркази бош илмий ходими, тарих фанлари доктори, профессор Дилором Алимованинг «Маҳмудхўжа Бехбудий. Миллат эҳтиёжига бахшида умр» рисоласи нашр этилди.



Президентимизнинг тегишли қарори ижроси доирасида тайёрланган мазкур рисола Туркистондаги жадидчилик ҳаракати йўлбошчиси, маърифатпарвар, адабиётшунос, ношир ва сиёсатчи Маҳмудхўжа Бехбудий ҳаёти, ижоди, тарихий ҳамда сиёсий қарашларига бағишланган. Унинг асарлари ва «Ойна» журналининг таҳлили асосида миллат ҳамда Ватан озодлиги ва раванки йўлидаги фаолияти ёритиб берилган.

Тадқим этилаётган мазкур рисоланинг кенг жамоатчилик, аynикса, ёшлар учун аҳамияти бекиёс. Унда илк маротаба Маҳмудхўжа Бехбудий асарларида Ватанимиз тарихига оид билдирган фикрлари бир жойга тўпланган.

Табиат — болалар нигоҳида



Айни кунларда юртимиздаги мактабгача таълим ташкилотларида маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида «Мактабгача таълимда тарбия ойлиги» давом этмоқда.

Эътиборлиси, мазкур ойлик доирасида болажонлар ўртасида турли тадбирлар, учрашувлар, мусобақа ва танловлар ташкил қилинаётир.

«Яшил сайёра» ва «Табиат — болалар нигоҳида» мавзuidaги расмлар танлови ана шулардан биридир. Унда ўқувчилар ўзига хос нигоҳ билан яшил сайёрамизни акс эттиришди.

Бундай тадбирлар болажонларда она табиятни асраш, унга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш каби туйғуларни шакллантиришга хизмат қилади.

Талабанинг ташаббуси — амалиётда

Ўтган йил ноябрь ойида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Кўнғиротбой Шарипов Термиз давлат педагогика институтининг иқтидорли ёшлари билан очиқ мулоқот ўтказган эди.

Мулоқот давомида ушбу институт талабаси Хуршида Тожимуродова ўзбек тилининг нуфузини ошириш мақсадида «Бехато ёзаман» танловини ўтказиш таклифини илгари сурган ва бу вазир томонидан қўллаб-қувватланганди.

Ушбу ташаббус доирасида институтда илк бор нофилологик таълим йўналишларида тахсил олаётган талабалар ўртасида «Бехато ёзаман» танлови ташкил этилди. Унда 300 нафарга яқин талабалар қатнашди. Иштирокчилар танлов низоми талабларига мувофиқ учта шарт асосида беллашди.

Танлов якунига кўра голиблар аниқланиб, пул мукофотлари билан тақдирланди.

Мазкур ташаббус ёшлар ўртасида она тилига ҳурмат ва саводхонлик маданиятини ошириш йўлида муҳим қадам бўлди.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдони кенгаймоқда

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар департаментига қарашли «Нурота» ва «Сурхон» давлат қўриқхоналари ҳамда «Зарафшон» миллий табиат боғи ҳудуди Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида кенгайтирилди.



Вазирлик маълумотларига кўра «Нурота» давлат қўриқхонаси ҳудуди заҳира ерларни қўшиш ҳисобига 4265,97 гектарга кенгайтирилди, умумий ер майдони 22 017,97 гектарга етказилган.

Шунингдек, «Зарафшон» миллий табиат боғи ҳудуди 5 234,01 гектар, «Сурхон» давлат қўриқхонаси ҳудудининг умумий ер майдони 24 051 гектарга кенгайган.

Бундан ташқари, «Нурота» ва «Сурхон» давлат қўриқхоналарининг асосий майдонига туташ 33591,2 гектар ер майдони қўриқланадиган зоналар сифатида белгиланган.

Мазкур қарор муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдонини кенгайтириш орқали мавжуд ноёб турдаги ўсимлик ва ҳайвонлар ҳимояси самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

Айни вақтда «Жадидлар изидан» танлови голиблари Германияда таълим саёҳатида бўлиб турибди.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 342. 15 120 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқатда маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 03.45 Топширилди — 03.50 1 2 3 4 5 6